
Ўзбекистон туманилик ёшларни немис тилини ўрганиш имкониятлари янада кенгаймоқда

Ёшларнинг чет тилларини ва касб-ҳунар ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон туманида немис тили курслари ташкил этилди.

Туман ҳокимлиги ҳамкорлигида йўлга қўйилган мазкур ташаббусни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларни мазкур ўқув марказига кўпроқ жалб этиш мақсадида тумандаги 1- ва 2-сонли политехникумларида йигит-қизлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирокида учрашувлар ташкилланди.

Туман ҳокимининг ўринбосари Муслимбек Аҳмедов, немис тили ўқитувчилари ва дахлдор мутасаддилар иштирок этган очиқ мулоқотларда ўқув марказининг фаолияти ҳақида тақдиротлар қилинди. Мазкур ташаббус хорижда муносиб шароитларда меҳнат қилиш истагида бўлган ёшларни чет тили ўрганишлари ва касбий кўникмаларга эга бўлишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам йўлга қўйилганлиги таъкидланди. Дарсларда фаол иштирок этиб, салмоқли натижаларни қайд этган тингловчиларга тавсияномалар асосида ўқув курслари тўловларида имтиёзлар қўлланиши ҳақида аниқ маълумотлар берилди.

Қайд этиш жоиз, немис тилини ўрганиш ўқув курслари ҳар иккала техникумда ҳафтада 3 кун: душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 14:00 дан фаолият олиб боради.

2025-01-24 09:57:19